

МАҲАЛЛАДА, ЁШЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги 2-сон
Тошкент Академик лицейи
Бобоёров Марат Очилович*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “Давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб” халқимиз қабул қилингани маълум. Ўз навбатида Конституциямизнинг 61-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий, ва табиий меросини асраб – авайлаши шарт” деб белгиланган.

Мустақиллик яратган имкониятлар туфайли халқчил бошқарув тизими- маҳалла қайтадан кашф этилди. Азалий маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз маскани бўлган маҳалла кучли тарбия ўчоғи сифатида истиқлол ғояси мафжураси билан бойиб, тобора янгилашиб, жамият тараққиётига самарали, холисона хизмат қилувчи хаёт дорил-фунунига айланиб бормокда. Айни кунда маҳаллалар ахли, авваламбор, ёшлар қалбини, онгини Президентимиз таъкидлаганидек, «ғояга қарши факат ғоя, фикрга қарши факат фикр, жаҳолатга қарши факат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш» орқали забт этишга, эзгу амалларга, бунёдкорликка йўналтиришга астойдил бел боғлаш катта кучни талаб қилади.

Хозирги глобал дунёдаги ахборот тезлиги даврида юртимизга кириб келаётган ахборотлар орасида фойдалилари билан бирга жамият ва давлат ривожига салбий таъсир этадиган, айнан аждодларимиз томонидан “қоралаб” ўтилган иллатлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу эса жамият ва давлат қурилишида асосий ўринда бўлган ёшларимиз онгига, уларнинг тарбияси, таълим олишида, ўз олдидаги мақсадларини қўйишда ва уларга эришишда салбий оқибатларга олиб келиш ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Маҳалла - жамиятни тараққий эттириш, поклик, тўғрилиқ, холислиқ, беғаразликни қарор топтириш, жамиятда жиноятчиликка, коррупцияга қарши курашишни кучайтириш борасидаги ишларни ташкил қилувчи маскан. Маҳаллада истикомат қилаётган аҳоли ихтиёрийлик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг бўғин органларини шакллантиради ва уларнинг раҳбар ходимларини сайлайди.

Ҳозирда маҳалла аҳлини, айниқса, ёшларни фозил, комил инсонлар қилиб тарбиялашга доир назарий ва амалий тадбирларни ўтказиш, дунёвий ва диний билимларни чуқур эгаллашлари ва касб-хунар ўрганишлари учун янгича тизимларни ишлаб чиқиш, шу асосда махсус илмий-амалий дастурлар тузишда қатнашиш ва уларнинг бажарилишига эришиш, маҳалладаги ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар билан алоҳида шуғулланиш куннинг долзарб масаласига айланди. Айни вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалла фаолиятини чуқур ўрганишга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда фармон ва қарорларда, меъёрий ҳужжатларда

маҳалланинг ҳукукий мақоми, бурч ва вазифалари белгилаб берилди.

Янги жамиятни барпо этиш учун кучли, қудратли демократик давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак. Зеро, бизнинг давлатимиз, жамиятимизни қандай камол топтиришни ҳеч ким четдан келиб кўрсатиб бермайди. Уни яшаётган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этадилар.

Ўз навбатида бу борада тизимли ишлар ташкил этилгани ва олиб борилаётганини эътироф этамиз. Давлатимизда олиб борилаётган барча ислоҳатлар замирида инсон қадрини тантанасига эришиш унинг фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсад борлиги “қундек равшан” шундай экан, барча таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотида одоб–ахлоқ тарбия яхши ҳислатлар, эзгу фазилатлар диққат марказида бўлиши лозим.

Аждодларимиз таълимда тарбиянинг ўрни беқиёслигини алоҳида эътироф этишган. Тарихдан юртимизда энг қадимги даврлардан кўплаб давлатлар бўлганлиги маълум. Лекин бирор давр йўқки у даврда одамийлик фазилатлари эъзозланмаган. Деярли барча даврда диёримизда эзгу фазилатлар одам кўрки бўлган. Бу маданият, маънавият ва маърифат туфайли, инсонларнинг тафаккурига ижобий таъсир этиш орқали юзага келган десак, хато бўлмайди. Шу ўринда ғарбни илк уйғонишига сабаб бўлган, диёримиздаги биринчи ва иккинчи уйғониш даври эканлигидан бутун дунё хабардор эканини эслатмоқчимиз. Бу борада Ўзбекистон Президенти “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида жумладан шундай фикр билдирган “инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради.”

Табиийки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан янги вазифа, мақсадларни рўёбга чиқариб бўлмайди. Янгича фикрловчи кишиларни тайёрлаш учун, аввало, ўсиб келаётган ёш авлод онгида ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар тарбияси, миллий мафқуранини шакллантиришда юртнинг таркибий қисмлари бўлган маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиши лозим. Табиийки, бунда маҳаллаларда жинойтчиликларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак, деган савол туғилади.

Биринчидан, маҳалла педагог-тарбиячилари оила – мактаб – маҳалла концепциясига амал қилиб, жинойтчилик, гиёҳвандлик, турли ёт оқимларга берилишнинг олдини олишга эътибор беришлари, ёшлар билан мунтазам тарбиявий-маърифий ишларни олиб боришлари лозим.

Иккинчидан, маҳалла аҳли билан ички ишлар органларининг ходимлари, таниқли олимлар, меҳнат фахрийлари, шифокорларнинг учрашув ва суҳбатларини уюштириб, уларнинг доимийлиги, мақсадлилиги ва изчиллигини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон Президенти айтганидек “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб билан халқимиз билан бирга қурамыз”. ИИВ тизимидан таълим-тарбия олиб чиққан мард, фидоий, ўғил-қизлар айнан ўзбек деб аталмиш олийжаноб халққа садоқат билан хизмат қилишда буюк аждодларимиз эъзозлаган қадриятларга таянсалар албатта, шу юртда доимо ҳурматда – иззатда бўладилар деб ишонч билдирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўз.Рес.Конституцияси. Тошкент 2023 й.
2. Ўз.Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. 2021.17.08.
3. Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” Т 2018.
4. Кайковус “Кобуснома” Тошкент 1993 й.